

ҚАТАР МАДАНИЯТ ВАЗИРИ:
“ИМОМ БУХОРИЙ МАЖМУАСИ
МАҲОБАТИДАН ҲАЙРАТЛАНДИМ”

Айни кунларда Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний юртимизда давлат ташрифи билан бўлиб турибди. Ҳурматли меҳмон кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида қадим ва бетакрор Самарқанд шаҳрининг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилди.

Мазкур ташриф доирасида Қатар Маданият вазири Абдулрахмон бин Ҳамад ал-Тани жаноблари ҳам Самарқанддаги Имом Бухорий меъморий ёдгорлик мажмуасида бўлди.

Абдулрахмон бин Ҳамад ал-Тани жаноблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Музаффар Комилов ҳамда Маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳамроҳлигида мажмуадаги улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Батафсил:

https://t.me/iiiau_official/12453?single

Дин ишлари бўйича қўмита

Ахборот хизмати

